

9-МАЙ —ХОТИРА ВА КАДРЛАШ КУНИ!

ЯНГИ БАНДИХОН

Бугунги нурафшон кунларга шукр қил болам! Кечаги кунлардан ибрат ол мудо...

Халқ депутатлари Бандихон туман Кенгаши ва туман ҳокимлиги газетаси

Ижтимоий — сиёсий, маънавий газета ● 2021 йил 10 Май, Душанба, № 5 ● Электрон почта Bandixongazeta@umail.uz



МУДҲИШ ҚИРҒИНБАРОТЛАР

Уруш ўзбек халқини ҳам бор-йўғидан тамомила айирди. Минглаб аёллар бева, болалар эса етим бўлиб қолди. Ота-оналар фарзандлари доғида қайғу-алам билан бу дунёдан кўз юмдилар, уй-жойи харобага айланди. Очарчилик ва касалликлар қишлоқларда авжга миниб, кўп одамларнинг ёстигини қуритди.

Алиёр РАЖАБОВ, журналист

*Иккинчи жаҳон уруши 1418 кун давом этган. *Қирғинбарот жангларида 27 000 000 кишининг ёстиги қуриган. Турли талофатларни қўшганда эса 30 000 000 киши нобуд бўлган. *Иккинчи жаҳон урушида 73 та давлатдан 62 таси иштирок этиб, бу ер аҳолисининг 80 фоизини камраб олади.

*Жанговар ҳаракатлар 40 та давлат, уч қитъа ва тўрт океанда олиб борилган. 110 миллион қуролли аскардан 60 миллион киши қурбон бўлган.

*Урушда 538 мингга яқин ўзбекистонлик ҳалок бўлган. 158 минг нафари эса бедарак йўқолган.

*Махфийлиги бекор қилинган ҳужжатларда Иккинчи жаҳон урушида қатнашган 200 мингдан ортиқ ўзбекистонлик орден-медаллар билан мукофотлангани қайд этилган. *1941-1945-йиллар давомида фронтга 53 минг 365 нафар

сурхондарёлик жўнатилган. Уларнинг 11 минг нафари жанг майдонларида ҳалок бўлди. *Бугун воҳамизда 27 нафар Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари, 1895 нафар фронт ортида заҳмат чеккан фуқаролар ва 101 нафар 100 ёшдан ошган ифтихорларимиз истикомат қилади. *Бандихон туманидан 418 нафар киши Бойсун, Шеробод, Термиз тумани ҳарбий комиссариатларидан жанг майдонларига сафарбар этилган. Улардан 4000 нафари яқини қайтиб келиш насиб қилмади. *Бандихон туманида охириги уруш иштирокчиси Маматали Эсонов 2019 йилда вафот этган. Шундан 104 нафари фронт ортида мардонавор меҳнат қилганлардан бугунги кунда 36 нафари ҳаёт, улардан 2

нафари 100 ёшдан ошган. Иккинчи жаҳон уруши инсоният тарихидаги энг катта қуролли тўқнашув ҳисобланади. Жанглар давомида ҳадсиз қурбонликлар, вайронагарчиликлар инсон аҳлига сизмас даражада бўлган. Кўпгина инсонлар жанг майдонларида, кўплари фронт ортидаги ночорлик туфайли ҳаёт билан видолашган. Қирғинбарот жангларида 27 000 000 кишининг ёстиги қуриган. Турли талофатларни қўшганда эса 30 000 000 киши нобуд бўлган. Биргина урушда денгиз ости кемаларида хизмат қилган 40 000 аскардан атига 10 000 кишигина жангдан қайтиб келди холос. Иккинчи жаҳон урушида ўша даврда мустақил бўлган 73 та давлатдан 62 таси иштирок этиб, бу ер аҳолисининг 80 фоизини камраб олади. Урушга аралашмай қолган 11 та давлат ҳам у ёки бу жиҳатдан қайсидир тарафга ён босишга мажбур бўлди. Жанговар ҳаракатлар 40 та давлат, уч қитъа ва тўрт океанда олиб борилган. 110 миллион қуролли аскар иштирок этган бу урушда тахминий ҳисоб-китобларга кўра, 60 миллион киши қурбон бўлган. Шу боис ҳам бу уруш Жаҳон урушига айланиб кетгани эътироф этилади.

Иккинчи Жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон аҳолиси тахминан 6,5 миллион кишини ортида заҳмат чеккан фуқаролар ва 101 нафар 100 ёшдан ошган ифтихорларимиз истикомат қилади. Айниқса, уруш ноғиронларининг кадр-қиммати ўрнига қўйилмай, улар ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Хуллас, уруш йилларида машаққатли меҳнат ва азоб-уқубатдан бошқа нарсани кўрмаган одамларнинг кўпчилиги қайғу-алам гирдобида жон бердилар. Шунга ўхшаш уруш қатнашчиларининг талай қисми ёруғ кунларни кўрмади. Бироқ шуни унут-маслик керакки, ота-боболаримиз мисли кўрилмаган азоб-уқубатлар ва талофатлар ҳисобида бутун инсоният бошига тушган офатни бартараф қилишга улкан ҳисса қўшиб, жаҳон тарихида ўчмас из қолдиришди.

Бугун Мустақиллик шарофати ила ўша мудҳиш уруш йилларининг азобини тортган ва тирик қолган бахтли кишилар ҳаёт гаштини сурши ша-рафига муяссар бўдилар. Шу сабабли, мамлакатимизда уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийларининг кадр-қиммати ўрнига қўйилиб, иззат ва ҳурмат кўрсатилмоқда. Жанг майдонларида ҳалок бўлганларнинг рўйхатини ўз ичига олган кўп жилдик "Хотира" китоби чоп этилди. Хотира майдонида ажойиб мажмуа қурилиб, ҳалок бўлган ҳар бир инсоннинг номи зар харфлар билан битилди. Республика-миз шаҳар ва қишлоқларида ҳам Хотира ёдгорликлари қад ростилашти.

Биргина бугунги кунда Сурхондарё вилоятида истикомат қилиб келаётган иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари 27 нафари, фронт орти меҳнат фахрийлари 1895 нафарни ташкил этади. Бандихон туманидан эса 418 нафар юрдошларимиз жанг майдонларига сафарбар этилган. Афсуски, бугунги кунда туманда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг қаҳрамонликлари, ҳаёт йўллари ибратли хотирага айланди. Бандихон туманида охириги Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси Маматали Эсонов 2019 йилда вафот этган.

Хар йили, воҳамизда айна кунларда 9 май умумхалқ байрами -Хотира ва қадрлаш кунини кенг нишонлаш, фашизм устидан қозонилган ғалабага муносиб ҳисса қўшган, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг хотирасини абадийлаштириш, фахрийларга ҳурмат-эътиром кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги ҳаётимизда умумхалқ байрами -Хотира ва қадрлаш кунини кенг нишонлаш, фашизм устидан қозонилган ғалабага муносиб ҳисса қўшган, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг хотирасини абадийлаштириш, фахрийларга ҳурмат-эътиром кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«ҚИЗИЛ ВАГОН» ОРТИДАГИ АЧЧИҚ ҚИСМАТЛАР



9-май -Хотира ва қадрлаш кунидан Бандихон туман марказида туман ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил этилган «Хотира ва қадрлаш хиббони»да Мотамсаро она ҳайкали очилди. Хотира ва қадрлаш кунини муносибат билан ўтказилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, Иккинчи жаҳон урушида фронт ортида хизмат қилган нуронийлар, ҳарбийлар, ёшлар ва кенг жамоатчилик вакиллари оркестр ижросида янграган жангвор марш билан шаҳидлар ва уруш қурбонларини ёд этиб, Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди.

МОТАМСАРО ОНА ҲАЙКАЛИ ЎРНАТИЛДИ

Сиймосида дахшатли урушда ҳалок бўлган фарзандларини ўйлаб, нигоҳлари қотган, ҳорғин ўтирган мушфиқ она, чуқур қайғуга ботган бўлса-да, руҳиятида матонат, мустақам ирода акс этган гўё. Ушбу тадбир иштирокчилари ёши улғу инсонларнинг жасоратлари, уларнинг ибратли умирлари хусусида ўзаро сўзлашар эканлар, бугунги кунда орамизда йўқ, аммо дилларимизга муҳирланган қаҳрамон боболаримиз, момоларимизнинг порлоқ хотираси ҳурмат келтиришди. Айни пайтда хонадонларимиз кўрки бўлиб юрган ифтихорларимиз юртимизда инсонлар хотирасига, қадр-қимматига кўрсатилаётган ҳечқандай эъзоз ва эҳтиром учун Президентимиздан миннатдор бўлаётганларини уларнинг ёрқин ва мамнун чехраларидан сезиш мушкул эмас. Бугунги кунда туманда 81 ёшдан 90 ёшгача бўлган муборақ кунларни қаршилаганлар 453 нафарни ташкил этса, 91 ёшдан 100 ёшгача бўлган отахон ва онахонларимиз 71 нафар бўлиб, кўпчилиги 100 ёшни қаршилаш арафасида турбди. Мамлакатимизда кечаётган нуруфшон кунлардан, эъзоздан, фарзандларининг икболдан мамнун фахрийларимиз ҳамимиша хуш кайфиятда дуода. **Қудрат ЭШМАМАТОВ,** Бандихон тумани «Нуронийлар» жамоатчилик Кенгаши раиси

Хуррам бобо ҳам, то ҳануз у кишига қувват бўлиб юрган Зубайда она ҳам уч ёшида са-ғир қолган. На ота, на она-нинг ширин ифори насиб этмаган гўдаклар холалари бағрида улғайишди. Тақдир бу гўдакларни сийламагани каби, ўша даврдаги урушнинг энг аянчли лаҳзалари, дамлари ҳам айнан уларнинг балоғат, ўсмирлик ёшига тўғри келди. Иккинчи жаҳон урушига кетган ватандошларимизни фронт ортида туриб, моддий тарафдан қўллаб-қувватлашга сафарбар этилган юрдошларимизга ҳам осон кечмади. Мамлакатимизда Аскарларни ҳар томонлама қўллаб-қув-

ватлашга қарийб 500 минг қол-хозчилар, деҳқонлар, мадори бор инсонларнинг барчаси жалб қилинди. 1941-йил 26-июндан бошлаб мамлакатда ишчилар ва хизматчилар учун ишдан ташқари вақтда мажбурий ишлаб бериш, катта ёшдагилар учун ҳафтада 6 кунлик иш жорий этилди. Иш вақтининг аниқ ҳисоби йўқ эди. Хатто хомладор уй бекалари, вояга етмаган ўқувчилар ҳам фронт учун кўмакка ёлланганди. Очлик одамларнинг тинка мадорини олганди. Ўша пайтлар эндигина қаддини ростлаган Хуррам Менглиев сингари ёш-яланлар асосий ишчи кучи бўлиб қол-

ганди. Сабаби йигитлар фронтга кетган, қишлоқларда қари-ялар ва болалар қолганди. 13 ёшга кирган Хуррам бир неча тенгдоши билан Хомкан тоғидан 40 та эшак, 7 та туюловнинг хуржини ортилган 50-60 килограмм бугдой билан не бир машаққат билан ёлғизоёқ йўллардан амаллаб 3 кунда Шерободга тушиб келарди. Озиқ-овқат ва кийим кечак каби турли юзлар Ангордан, Термиз туманидан «Қизил вагон»лардан иборат эшолонда фронтга жўнатиладди. «Э...болам, ўроққа чиққан эмизикли аёлларнинг азобини кўрганман. Бир сиқан бугдой учун ўроққа чиққан ёш жувонлар болаларини ўрилган бугдой пояси соясига қўйиб, «Норма» ни бажариш учун қош қорайгунча меҳнат қиларди. Эрқагу аёл жоринчоқ билан бугдойни майдалар, саралар эди, -дега аччиқ хотираларидан хорғин тортган Хуррам бобо давом этарди. -Энг ёмони ёш болаларни ҳам қимматчилик туфайли очлик, қурғоқчилик туфайли турли юкқили касалликлар қаттиқ синовдан ўтказарди. Катталар амаллаб сабир қиларди-ю, аммо гўдакларнинг пешонаси яриқрамаган эди. Зубайда она ҳам тенгдошлари қатори ўроқ ўриб, суяги

тобланди. 1933 йилда Қиршақ-да туғилган Зубайданинг тақ-дири, Хомкан тоғида улғайган Хуррам билан 18 ёшга етганида боғланди. -Иккаламиз ҳам ёлғиз бўлганмиз. Мени ёшларимда ўроқдан ташқари қолхознинг эчки, сигирини соғардим. Соғувчилар орасида биринчи-лардан бўлганим учун кўпам қийналмадим. Ҳўжайимим от билан ғалла пишмида ғала-ғов қилиб тортарди, -дейди Зубайда момо. -Қурғоқчилик амаллаб яшаётган аҳолининг яша шариоитини янада ёмон ахволдан солиб қўйди. Ҳузур қўлларига кетган подалар ҳам қирилиб кетди. Хатто одамлар

ҳам амаллаб жон сақлаб қолишга тирмашарди. Дунёнинг ғуссаларини эн-гиб, бугунги дорилмон кун-ларга шукрона айтаётган бу икки муътабар зотларнинг бир-тун ҳаёт йўлларининг ҳар бир саҳифаси катта ибрат мактаб-зи аслида. Саққиз нафар фар-зандни камолга етказган бу нуронийларнинг оиласи, фар-зандлари ва набралари бағ-рида шодлиниб яшаши ўзи бир иқбол. Ҳамама ҳам 90 ёшни қаршилаган Хуррам бобо ва Зубайда момоларнинг бугунги тўқин, кечаги ибратли манзиллари ҳамроҳ бўлсин. **Ҳасан АБДИМУМИНОВ,** «Бандихон» МФЙ раиси

Абдуғаффор ҚОДИРОВ,
меҳнат фахрийси

Дунёда шундай одамлар борки, улар ҳақида гап кетганда қалбнинг ифтихори ва фахр туйғуларига тўлади. Агар ана шундай инсонлар ўқитувчи, тарбиячи бўлса ҳаётини эл-юрт фарзандларига маърифат тарқатишдек эзгу ишга бағишида этакдан бўлса, бу масъулият янада шарафли бўлади.

Мен бугун сизларга бир инсоннинг ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилиб бериш учун жазм қилдим. Бу инсон ўн саккиз йилдан буён туманимиздаги 4-сонли мактаби директори Бакир Холмуродовдир.

Бакир Холмуродов 1972-йил 2-октябрда Музработ туманида зиёли оиласида туғилган. Отаси (марҳум) Эшбой бобо Холмуродов Музработдаги 4-сонли мактабда директор бўлиб ишлаб келган. Шу боис ёш Бакирнинг кўнгилида ўқитувчилик касбига меҳр уйлониб, мактабни битиргач албатта муаллим бўламан, деб ният қилади.

Тақдир тақозаси билан Холмуродовлар оиласи Бандихон чўлига кўчиб келади.

1989-йилда Ойбек совхозидеги Мичурин номи мактабиди 10-синфни тугатгандан кейин, ҳеч иккиланмасдан Термиз

ФИДОКОР ЎҚИТУВЧИ

Касб фидойилари

Давлат институтининг ўзбек филологияси факультетига ўқишга кириб 1995-йилда ўқишни имтиёзли диплом билан тамомлайди. 1999-йил охиригача институтнинг «Ўзбек тилшунослик кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлайди. Кейинчалик Бандихон туманидаги 7-тўлиқсиз ўрта мактабга ишга кириб, ўқувчиларга ўзбек тили ва адабиёт фанидан дарс берибди. Тез орада ўзининг билими, ишга чанқоқлиги билан ўқитувчилар жамоаси орасида хурматга сазовор бўлади.

2000-2001 ўқув йилида шу мактабга таълим ва тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари вазифасига тайинланади. Уша пайтда мактабда икки юздан ошқ ўқувчиларга 24 нафар ўқитувчилар дарс бериб келишарди. Дарс машғулоти 2 навбатда ўтилар эди. Мактабнинг асосий биноси олти хона бўлиб пойдевори ҳам йўқ, паҳса девордан ҳашар йўли билан қурилган.

Болалар сони ортиши натижасида синфхоналар етишмасди. Шу сабабдан қишлоқдаги қаровсиз ётган дала шийони ҳам синфхоналарга ай-

лантирилиб, дарс машғулоти олиб борилад эди. Пахта йиғим-терим мавсумида дала шийонидеги хоналарда парталар ташқарига чиқалиб, баъзи вақтда уч-тўртта синф болалари одамларнинг уйларида ўқитиларди.

Бакир Холмуродов 2003 йил январ ойда шу мактабга директор бўлиб тайинланади. Унинг зиммасига масъулият янада ошади. Мактабда энг оғрикли нукта -синфхона муаммоси эди. Мактабда кўп фанлардан кадрлар етишмасди. Чекка туманлардан келиб ишлаган ўқитувчилар шароит-йўқлиги сабабли ўқув йилини тугатмасдан кетиб қоларди. Ёш директорнинг гайрат-шижоати, югур-югури билан мактабга замонавий типда 4 та синфхона, 12 х 18 метр ўлчамли спорт залы қуриб фойдаланишга топширилди. «Бандихон 2» насос станцияси яқинида яшовчи аҳолининг болари учун тўртта синфхона қурилди.

Мактаб жамоасининг аҳиллиги ва директорнинг қаттиқ кўлиги билан 4-сонли мактабиди 2019-2020-ўқув йилида вилоятдаги 910 та мактаблар ора-

сида 70 ўринни олган.

Айни пайтда мактабда 471 нафар ўғил-қиз таълим тарбия олмоқдалар. Уларга 39 нафар педагоглар устозлик қилиб келмоқда. Улардан 12 нафари хотин-қизларни ташкил этади. Жамоанинг 35 нафари олий маълумотли мутахассислардир.

Таълим даргоҳида ўз фани севадиган ўқитувчилар талайгина бунга мисол қилиб биология фани ўқитувчиси Бозор Холмуродов, математика фани ўқитувчиси Абдумурод Қодиров, химия фани ўқитувчиси Фарҳод Нураев, тарих фани ўқитувчиси Искандар Хамидов бошланғич синф ўқитувчилари Санобар Жумаеваларни кўрсатиш мумкин.

Кези келганда шу нарсани таъкидлаш керакки 4-сонли мактаби ташкил бўлганга бу йил 30 йил тўлади. Бу йиллим даргоҳини битирган ўқувчилардан, элликлдан ошиғи турли олий ўқув юрларини битириб мамлакатимизнинг қорхона ва муассасаларида ишлармоқдалар.

Холмуродов 1992-йилда Омонова Насиббахон билан оила қуради. 4 нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказ-

дилар. Катта ўғли Фарҳод Эшбоев Ўзбекистон миллий университетини имтиёзли диплом билан битириб, шу даргоҳнинг микро биология кафедраси катта илмий ходими. Ўзбекистон фанлар академиясининг фалсафа фанлари доктори.

Иккинчи ўғли Қаҳрамон Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2-курс магистранти. Шу университетни имтиёзли диплом билан тамомлаган.

Қизи Шахноза Эшбоева ҳам Ўзбекистон миллий университетининг кимё факультетининг охириги босқич талабаси, ўқишга давлат гранти асосида қабул қилинган.

Кенжа қизлари Шоира 2019-2020 ўқув йилида 4-сонли мактабни «Олтин медал» билан битириб А.Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университетининг филология факультетига давлат гранти асосида кириб, тахсил олмақда.

Бакир Холмуродовнинг маориф соҳасидаги меҳнатлари бесафар кетмади. У Ўзбекистон Республикаси «Халқ таълими аълочиси», Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 25 йиллиги кўрақ нишонларини олишга сазовор бўлган.

Бундан ташқари у 4- «Куба» сайлов округини туман Кенжаси депутаты.

СОҒЛИҚ УЧУН 5000 ҚАДАМ



«Нуронийлар маскани» биносида «Нуронийлар» жамоатчилик Кенгashi туман бўлими ташаббуси билан «Соғлиқ учун 5000 қадам» шиори остида нуронийлар ва ёшлар иштирокида юриш марофони ўтказилди. Бундан ташқари кесалар ва ёшлар ўртасида шахмат-шашка бўйича спорт мусобақаси бўлиб ўтди. Ҳолиблар фахрий ёрлик ҳамда совғалар билан раҳбатланрилди.

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Туманда Ўзбекистон Песпубликаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили, туман ҳокимлиги, туман прокуратураси ҳамда туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази ташаббуси билан «Бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси» ўтказилди.

Мазкур ярмаркада 52 та ташкилот ва 15 га яқин тадбиркорлар 540 та турли соҳалар бўйича бўш иш ўринлари билан қатнашди.

Унда маҳаллалардан 60 нафардан зиёд фуқаролар иштирок этди, шундан 17 нафарига тумандаги қорхона ва ташкилотларга доимий ишлаши учун йўланма берилди. Касб-хунари ўрганиш истагини билдирган 4 нафар фуқарога қандолатчилик йўналишига, тадбиркорлик қилиш истагини билдирган 5 нафар фуқарога ҳафталик тадбиркорликка ўқитиш марказига ҳамда 1 нафар фуқарога ҳақ тўланадиган жамоат ишига ишга жойлаштириш учун йўланмалар берилди. Бундан ташқари ўзларининг бўш иш ўринлари билан қатнашган тадбиркорлик субъектларига 6 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди.

ИНСОН ХОТИРАСИ АЗИЗ

Бандихон туман ҳокимлиги ва туман Маънавият ва маърифат бўлими ташаббуси билан 9 май «Хотира ва қадрлаш куни» муносабати билан «Устоз Муҳиддин Ҳамроевнинг порлоқ хотираси қалбимизда мангу яшайди» шиори остида ёшлар ўртасида «Хотира спорт турнири» бўлиб ўтди.

Тадбирда ҳарбий оркестри томонидан ижро этилган мусикий қишлар давомида мини футбол, вайлебол, нуронийлар ва ёшлар шахмати, ўғил ва қизлар ўртасида бокс спорт турлари бўйича ташкил этилган беллашувлар иштирокчиларда яхши таассурот қолдирди.

Спорт мусобақалари ҳолиблари хомийларининг эсталик совғалари билан тақдирланишди.

100 ЁШЛИ ИФТИХОРЛАРИМИЗ

Бандихон туманидаги 2-сонли умумий ўрта таълим мактаби ўқувчи ёшлари 9 май «Хотира ва қадрлаш куни» байрами ҳамда Иккинчи жаҳон урушида Қозонлиги мағалбадан 76 йиллиги муносабати билан туманининг «Бектепа» маҳалласида яшовчи, бугунги кунда 100 ёшни қарши олаётган нуроний отахон Холтўра бобо Чориев хонадонига ташриф буюришди.

Кекса отахон дуога қўл очар экан бугунги доруломон кунларга шуқронлар билдирди.

«ОБОД МАРКАЗ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ АМАЛДА

«Сарой» маҳалласида «Обод марказ» Давлат дастури доираида амалга оширилган ишлар юзасидан кўргазмали семинар бўлиб ўтди.

Ушбу кўргазмали семинарда вилоят прокурорининг ўринбосари Т.Қурбонов, вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи Н.Қодиров ҳамда ушбу маҳаллага бириктирилган вилоят ва туман ташкилотлари раҳбарлари ва тегишли мутасаддилар иштирок этишди. Семинар давомида «Сарой» маҳалласида «Обод кишлоқ» Давлат дастури асосида амалга оширилган ишлар кўздан кечирилди.

НУРОНИЙЛАР ЁШЛАРГА МУРАББИЙ

Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2021 йил 19 январь куни Республика Маънавият ва маърифат қенгашининг ведееелектр тарзида ўтказилган мажлисининг 3-сонли ййгилиш баёни 37-банди ижросини таъминлаш мақсадида «Бандихон» ҳамда «Бектепа» маҳалла фуқаролар ййинларида «Ҳар бир нуроний 5 нафар ёшга мураббий» тамойили асосида нуроний ва ёшлар ўртасида тадбир ўтказилди.

Тадбирда Нуронийлар жамоатчилик Кенгashi раиси К.Эшмаматов ва Республика Маънавият ва маърифат маркази Бандихон туман бўлими раҳбари Э.Пардаевлар иштирок этиб, нуронийларга бириктирилган ёшларнинг муоммалари билан яқиндан танишиб, уларни бартаф қилиш бўйича нуронийлар олдида турган долзарб вазифалар тўғрисида тўхталиб ўтишди.

ХАЙРИНИСО ТАНЛОВ ҲОЛИБИ

Президентимизнинг Олий Мажлис ва халққа қилган Мурожаатномаси мазмун моҳиятига бағишланган «Мурожаатнома билимдонлари» мавзусида ўтказилган вилоят иншолар танловида Бандихон туман Халқ таълими бўлимига қарашли 7-сонли АфЧ-ЁИМнинг 10-Б синф ўқувчиси Хайринисо Улуғназарова фахрли 2-ўринни эгаллади.

«ЙИЛ САРДОРИ»

Сардорларнинг ўзaro дўстлашуви, тажриба алмашинуви орқали уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ҳамда сардорларни қўллаб-қувватлаш, ижодий ва интеллектуал қобилиятларини янада ривожлантириш мақсадида 17-сонли мусика ва санъат мактабида «Йил сардори» танловининг Бандихон туман босқичи бўлиб ўтди.

Ушбу танловда тумандаги барча умумий ўрта таълим мактабларининг Ёшлар Иттифоқи сардорлари ҳамда «Камалак» сардорлари иштирок этишди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Бандихон туман Кенгashi ва ёшлар ишлари ағетлиги туман бўлими ҳамда туман Халқ таълими бўлими ташаббуси билан ўтказилган танловнинг 10 ёшдан 14 ёшгача бўлган ёш тоифасида Бандихон туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактабининг 7-синф ўқувчиси Муниса Муродуллоева, 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган ёш тоифасида ҳам мазкур мактабининг 8-синф ўқувчиси Фарангиз Ташбевавалар голиб бўлишди ҳамда мазкур беллашувнинг вилоят босқичига йўланмани қўлга киритиб, эсдалик совғалар билан тағдирланишди!



МЕНИ КЕЧИРИНГ, ОТА!

Мен нодон бўлган эканман. Худода шуқрки, доим ота-онамга итоатда эдим, уларга яхшилик қилар эдим. Бирор марта билиб ёки билмай уларга итоатсизлик қилганимни ё оғринтирганганимни эслолмайман. Лекин улардан айрилганимдан кейин бугунга келиб, уларга баъзи хизматларни «таклиф» қилганим учун кўп афсус-надомат чекаман.

«Отажон, кўнглинги бирор нима тусаяптими? Фалон егуликни истайсизми? Фалон жойга олиб бораймиз?» десам,

доим «Йўқ болам, раҳмат!», - дер эдилар. Мен эса отам рoддан истамаептилар, деб ўйлар эдим. Уларни истасалар, айтадилар ёки ҳа, дейдилар деб ўйлаган эканман. Бугун ўзим ҳам олти фарзанднинг отасиман. Энди ота-оналарнинг «Раҳмат, шарт эмас болам», деганида қачалар тортинганларини билдим.

Ўғил-қизлар ота-оналарининг «Раҳмат»ларига ишониб, қанчалик гўрлик қилаётганларига эътибор бера болашдим. Ҳой, ўғил-қизлар, ота-она-

ларингизнинг «Раҳмат»ларига ишонманглар. Улар сиз таклиф қилаётган нарсаларни аслида истайдилар, лекин хижолатдан айибаниб, тортиниб ёки сизни эҳтиёт қилганларидан, ёки бошқа сабабдан «Раҳмат!» дейдилар. Шунинг учун уларга бирор яхшилик қилишни, бирор нарсa олиб беришни истасангиз, сўрамасдан қилинг, сўрамасдан олиб беринг. Агар яхшилик қилишни истамасангиз, унда улардан сўрайверинг.

Лекин ота-онаси ўз хизматига изн бермаслигини истайдиган фарзанд энг бахил, яхшиликлардан маҳрум бўлган фарзанд бўлса керак. Қандай истасинки, бу хизматлар ор-

тида дунё ва охират баракотлари, муваффақиятлари турган бўлса.

Қасам ичиб айтаманки, улар ҳеч бир «таклиф» ва «изн»сиз кўрсатилган ёрдамдан, эҳтиромдан, қадрлардан, хизматлардан, ҳатто бир оғиз ширин сўздан ҳам жуда-жуда хурсанд бўлишди, бошлари кўкка етади. Бундай муомала уларни доим севинтиради.

Отажон, онахон, мен нодон фарзандингизни кечиринг!

Арабчадан Икром ШАРИФ таржимаси.

Интернетда «чегарадан чиққан» изоҳлар учун ОАВ ва блогерларни нималар кутмоқда?

**2021-йил 31-март куни имзоланган қонун билан, «Ахборотлаштириш тўғрисида» ҳақи қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Эндиликда веб-сайт эгаси, журналист ва блогер ўзи эълон қилган ахборот ва унга ёзиб қолдирилган изоҳ учун ҳам жавобгар бўлади. Яъни, ахборотдан жиноий ва бошқа

«ЧЕГАРАДАН ЧИҚҚАН» ИЗОҲЛАР...

жавобгарликка сабаб бўлади-ган мақсадда фойдаланилишига йўл қўймаслиги, нотўғрилиги аниқланганда, дарҳол ўчириб ташлаши шарт.

**Қонунга зид изоҳни кўрмай қолганда, АОКА Мониторинг марказидан хабарнома борганидан сўнг 24 соат ичида ўчириб ташлаш, ҳеч қандай оқибатни келтириб чиқармайди. Бироқ АОКА Мониторинг маркази материал ёки изоҳ қонунга зид эканини исботлаб бериб, уни ўчириш ҳақида оғохлантиргандан кейин бу талабни бажариш мажбурий ҳисобланади.

Алиёр РАҲАБОВ,
журналист

КАРАНТИН ҚОИДАЛАРИ КУЧАЙТИРИЛДИ

Ўзбекистонда коронавирус юқтириш ҳолатлари кескин ошаётгани сабабли 18 апрелдан карантин назорати кучайтирилди. 1 майдан концерт ва томошалар каби оммавий тадбирларни ёпиқ маданият саройларида ўтказиш чекланади.

ИИВ, Миллий гвардия, Санитария эпидемиология хизмати, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги жамоат жойларида никоб тақиш, ижтимоий масофани сақлаш, шахсий гигиена қоидаларига риоя этиш, қўлларни антисептик билан зарарсизлантириш тадбирлари назоратини кучайтиради ва қоидабузарлар қатъий жавобгарликка тортилди, жарималар қўлланади.

Жамоат транспорти-Транспорт вазирлиги ва Санитария эпидемиология хизмати жамоат транспортлари тизимини 50 фoиз миқдорда йўловчилар таъминлаш ва шу мақсадда йўналишли транспорт воситалари сонини оши-

риш ҳамда охириги бекатда дезинфекция ишларини амалга оширилишини таъминлайди.

Таълим муассасалари-Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Санитария эпидемиология хизмати билан биргаликда коронавирус аниқланган ҳар бир мактабгача таълим, умумий ўрта таълим муассасалари, коллеж, лицей ва олий ўқув юрларининг фаолиятини икки ҳафтага тўхтатиш ҳамда ўқиш икки ҳафта онлайн режимида амалга оширилишини таъминлайди.

Жамоат жойлари-Барча ташкилот, қорхона ва муассасалар, йирик савдо мажмуалари, супермаркетлар, кўнглинчар муассасалар кирish қисмида никобда бўлиш, тана ҳароратини ўлчаш, қўлларни антисептик билан за-



рарсизлантириш амалиётига риоя этилишини қатъий таъминлаш лозим бўлади. Карантин қоидаларига риоя этмаган муассасалар фаолиятини вақтинча ёпилиши мумкин.

Овқатланиш жойлари-Кафе ва бошқа умумий овқатланиш объектиларида уларнинг сифимини 50 фoиздан ортиқ бўлмаган ҳолатда фао-

лият юритиши лозим, лекин максимал сон 100 кишидан ортиши керак эмас.

Тўйлар ва ифторликлар-ИИВ, Миллий гвардия, Санитария эпидемиология хизмати, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Давлат бошқа кўмитаси, Дин ишлари бўйича кўмита, Мусулмонлар идораси тўй ва бошқа маросимларда 100 кишидан ортиқ бўлмаслик, ифторлик маросимларини фақат оила даврасида ўтказиш, масжидларда жамоат намозлари, хусусан, Рамазон ойи муносабати билан таровиҳ намозларини масжидларнинг очик ховдаги майдонларида тиббий никобда бўлиш ҳамда оралик масофани сақлаш ҳолатида ташкил этиш таъминлайди, уй шароитларида даволанаётган беморларнинг хонадонларида карантин қоидаларига амал қилиниши устидан қатъий назорат қилади.

Айниқса ёшларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, уларга карантин қоидаларига амал қилишларида намуна бўлиш биз ўқитувчиларнинг ҳам асосий бурчимиздир.

Шуҳрат АБДУРАСУЛОВ,
10-сонли мактабнинг бошланғич ташкилот ёшлар етакчиси

Алишер ТОШБОВ, Бандихон туман ҳокимлигинин бош мутахассиси

ЭНГ ҚАДИМГИ ДАВЛАТЛАР

Бу даврда қадимги Бактрия аҳолисининг асосий машғулоти деҳқончилик эди. Бандихон, Қалаимир, Кучуктепа, Қизилтепа, Қизилча каби мил. авв. VI-IV аср ёдгорликларидан кўплаб меҳнат қуроллари топилиб, деҳқончилик сунъий сўғоришга асосланган. Бу ҳудудларда ундан ташқари чорвачилик, кулолчилик, темирчилик ва бадий хунармандчилик (Амударё хазинаси) ҳам ривожланади.

қикотлар натижаларига кўра, Хоразм тупроғида мил. авв. VIII-VII асрларга оид пахса ёқи хом гишт турар жойлар аниқланмаган (турар жойлар ярим ертўлалардан иборат). Қадимги Хоразм давлати мил. авв. VI асрда Амударёнинг ўрта оқими қисмида Ортолға яқин бўлган ерларда вужудга келган. Бактрия ва Хоразм давлатининг ҳудудий чегаралари ўрта Амударё оқимидаги ерлар орқали ўтган. Хоразмнинг йирик сўғориш иншоотлари мил. авв. VI-V асрларга оиддир. Ўлкада бу даврларга оид кўпгина шаҳар ва қишлоқлар барқарорлиги очиб ўрганилган.

диний китоби «Авесто», аҳмонийларнинг миҳхат ёзувлари (Бехистун, Нақши Рустам, Суза, Персеполи) юнон-рим тарихчиларининг (Геродот, Гекатей, Курций Руф, Арриан, Страбон ва бошқалар) маълумотлар беради. Сўнгги йилларда қадимги Батрия, Сўғдиёна ва Хоразм ҳудудларида олиб борилган археологик тадқиқотлар кўп ҳолларда ёзма

лик ва бадий хунармандчилик (Амударё хазинаси) ҳам ривожланади. Мил. авв. VI-IV асрларда Сўғдиёнада кўплаб шаҳар ва қишлоқлар бўлиб, улар форс подшоҳларига катта-катта солиқлар тўлаб турганлар. Хусусан, бу даврда оид Узунқир, Ерқўрган, Афросиёб, Лолазор, Хўжа Бўстон, Сангиртепа, Чордара, Қўрғонча, Кўктепа каби 50 дан зиёд


Тарих кўзгуси

манбалар маълумотларини тасдиқлайди. Мил. авв. 559 йилда Эронда подшо Кир II аҳмонийлар давлатига асос солади. Мил. авв. 545-540 йилларга келиб аҳмоний подшолари ўрта Осиёдаги Парфия, Марғиёна, Бактрия, Сўғдиёна каби вилоятлар ва кўчманчи қабилалар устидан ўз массагет қабила-лари аҳмонийларнинг катта қўшинларини тор-мор этдилар (мил. авв. 530 йил). Бу жангда форс подшоши Кир II ҳам ҳалок бўлди. Шунингдек, мил. авв. 522 ва 519-518 йилларда Марғиёнада ҳамда саклар ўлкасида форсларга қарши кўзгонлар кўтарилади.

ёдгорликлар ўрганилган. Бу ҳудудлардан топилиб кўпгина топилмалар аҳмоний деҳқончилик, чорвачилик ва хунармандчилик билан шугулланганларидан далолат беради. Шунингдек, савдо-сотик ва ўзаро алоқалар ҳам анча ривожланди. Бу даврда Хоразм ҳудудларида ҳам йирик-йирик манзилгоҳлар мавжуд эди. Қишлоқларда деҳқончилик, шаҳарларда эса хунармандчилик ривожланган эди. Жонбосқаль, Қўзлакир, Тупроққалъа қаби-лар маданий марказлар ҳисобланган. Ўзбекистондаги энг қадимги маҳаллий ёзув намуналари ҳам Хоразм ҳудудларидан (Тупроққалъа, мил. авв. IV аср) топилиб, мил. авв. 329 йилга келиб, македониялик Искандарнинг ўрта Осиёга юришлари бошланди. Искандар қўшинлари Сўғдиёна ва Уструшоҳ ерларида жуда каттик қаршиликка дуч келди. Жангаларда Искандарнинг ўзи ҳам бир неча марта ярадор бўлди. Мил. ав. 329-327 йиллар давомида маҳаллий

баргидан ташқари юзороқдаги картошқасига ҳам зарар етказди. Далада картошқа қазиб олингандан кейин, оಂಬорга қуя личикалари билан зарарланган тугунақлар олиб келинса, 25-80 фоиз сақланаётган картошқа тугунақлари нобуд бўлиши мумкин. Картошқа қуясига қарши кимёвий кураш чоралари: 1.Урғу сақланадиган оंबорларни фумугация қилиш (Энталучо 20 фоиз эм.к.25 гр 10 литр сувга). 2.Картошқа экилган майдонларда картошқа қуяси капалаги уча бошлаганда ёки личикчиси зарари аниқланиши билан Энтовант 15 фоиз эм.к. препаратини 0.45 л/га меъёрида кечки сақинда 250-300 литр иши эритмага тайёрлаб ишлов бериш керак.

КАРТОШҚА ҚУЯСИ



Олдинги қанотларнинг катталиги 12-15 миллиметр атрофида, эркагининг олдинги қанотлари эса урғочисига нисбатан 2-2,5 миллиметр кичикроқ бўлади. Қанотларига тўқ рангли чизиклари ва қора доғлари бор. Эркак капалак урғочисидан асосан қорин қисмининг охирида оқ ёки қулаган момиклар борлиги билан фарқ қилади. Картошқа қуяси кўчталарга ҳам, ўзини тўтиб олган ўсимликларга ҳам зарар етказиши мумкин. Кўчталарнинг айрим баргларини ва баъзан бутун тупуни қуритиб қўяди. Картошқа қуясининг капалаги экинларнинг

ДОРИ СОТУВЧИ ФАРАЖ...

Бу йигитнинг исми Фараж Арибий. Ливиянинг Аждабия шаҳридан... Кампир ҳар ой бир марта дориҳоҳага келар ва керакли дорисини олиб кассирга, кулиб турган, мулоийм ва одобли бу йигитга юзланарди. Кампир ҳар сафар бу йигитни кўрганда қалби севиночга тўлар ва унга доимидек йигирма динорни узатарди. Сўнг дорини олиб, унга равона бўларди. Бу ҳолат мана шундай бир неча йиллар давом этди. Кейинги ой йигит гаддор жиноятчилар қўлида ҳалок бўлди. Бир кун кампир яна дориҳоҳага келди. Дорисини олиб касса сари юзланди. Лекин йигит кўринмади. У ҳақда сўрамоқчи бўлиб турганди, кассадаги янги сотувчи: «Нима бу, хожи она?» дея овозини кўтарди. Кампир: «Дорининг пули - йигирма динор, болам», деди. Кассир: «Бунинг нархи 200 динор, она», -деди. Кампир таажжубланиб деди: «Қизиқ, уч йилдан ошдики, бу дорини йигирма динордан сотиб олмади. Олдинги кассир қани?» «Аллоҳ раҳматига олсин, вафот қилди, хожи она», дея жавоб қилди йигит ва касса дафтариини варақлашга тушди. Маълум бўлишича, марҳум йигит ҳар ой кампирнинг дориси учун ойлик маошидан 180 динор ажратиб келган. Воқеадан хабар топган дориҳоҳа эгаси у йигит руҳи покига садақаж жория бўлиб турсин учун, кампирнинг дорисини аввалгидек 180 динор арзон, яъни 20 динорга сотишда давом этишга қарор қилди. Фотин МАХМУД

457,1 МИНГДАН ОРТИҚ ИШ ҲАМ ҲАМ ҲАМ

биркорликни ҳамда хунармандчиликни ривожлантириш, янги кичик корхона, микрофирмалар ташкил этиш ҳисобига яратилади. -2021 йилда меҳнат органи томонидан 513,5 миң нафар фуқаронинг бандлигига кўмаклашиш ва иш берувчиларни рағбатлантириш бўйича хизматлар кўрсатилиши керак.

Бугунги кунда спорт турлари билан қизиқиб турли мусобақаларда ўзини намоен этаётган ёшларимиз сафи тобора ортаётгани, юртимизда бу соҳага қаратилаётган эътибор натижасидир. 2003 йилда туғилган Юсупов Назарбек ҳам миллий кураш спорт турига қизиққан ва спорт мусобақаларида яхши натижаларга эришаётган полвонларимиздан саналади. У 2020 йил 14 март куни эса Сирдарё вилоятида бўлиб ўтган чемпионатда 81

ИҚТИДОРЛАРИМИЗ

килограмм вазн тойифасида совриндор бўлиб, 2-даражали диплом билан тақдирланган бўлса, 2020 йилнинг 5-8 ноябр кунлари вилоятимизда бўлиб ўтган беллашуларда 2003-2004 йилларда туғилган ўсимлар ўртасида Ўзбекистон чемпионатининг 83 килограмм вазн тойифасида фолибига айланиб, 1-даражали диплом билан тақдирланган. Жорий йилнинг 29-апрелидан 2-май кунига қадар Навоий вилоятида бўлиб ўтган беллашуларда эса у спортнинг кураш тури бўйича 2001-2003 йилда туғилган ёшлар ва қизлар ўртасида бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионатининг 81 килограмм вазн тойифасида совриндор бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг туризм ва спорт Вазирлигининг 2-даражали дипломи билан тақдирланди.

Менгўра НОРМАНОВ, 10-мактабнинг иждоий-маданий масалалар бўйича тарғиботчиси

Маълумки, Бирлашган миллатлар ташкилотининг 2015 йил 10 июндаги “2020 йилда аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш борасидаги принциплар ва тавсиялар” резолюцияси қабул қилинган ва унга асосан, БМТга аъзо давлатлар ҳар ўн йилда камида бир марта аҳолини рўйхатга олишни ўтказиши белгилаб қўйилган. Айни пайтда, МДҲ давлатларида бу жараёнга тայёргарлик бошланган. 2019 йилнинг октябрь ойида Озарбайжон ва Беларусь давлатларида аҳолини рўйхатга олиш тадбири ўтказилди. Жорий йилда Арманистон, Россия, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон давлатларида мазкур тадбирни ўтказиш режалаштирилган.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида ҳали бирор марта аҳолини рўйхатга олиш тадбири ўтказилмаган. Ушбу тадбир сўнгги бор 1989 йил

сўғдий аҳоли Спитаман бошчилигида юнон-македон босқинчиларига қарши кураш олиб бориб, уларга жуда катта талафот етказди. Искандар қўшинлари ҳеч қачон Сўғдиёнадагидек қаршиликка учрамаган эди. Мил. авв. 323 йилда македониялик Искандар вафот этганидан сўнг ўрта Осиё ерлари Салавқа ҳуқронлиги остига ўтади (мил. авв. 306 йил). Салавкийлардан бўлган Антиох I даврида (мил. авв. 280-261 йй.) ўрта Осиё вилоятларида тинч ҳаёт бошланиб, қишлоқ хўжалиги, хунармандчилик, савдо-сотик анчагина ривожланади. Ўрта Осиё ерлари салавкийлар давлатининг муҳим қисми бўлиб, ҳарбий-стратегик ва иқтисодий аҳамиятга эга эди. Ўрта Осиё вилоятларининг салавкийлар давлати таркибига кирган даврий юнон-македон юришлари пайтида вайрон бўлган ишлаб чиқарувчи қушларнинг ва бактрияликлар, сўғдийлар ҳамда парфияликларнинг босқинчиларга қарши курашда бирлашуви даври бўлди.

2023 ЙИЛДА

ҳолда олиб келинмоқда. Эндиликда корхона ва ташкилотларга янада қулайлик яратиш мақсадида электрон кўринишда автоматлаштирилган eStat 4.0 тизимида янги таҳрирда ишлаб чиқилди ва давлат статистика ҳисоботларини электрон шакли (шаблон)ни Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг www.stat.uz расмий сайтидан олишингиз мумкин. Ўзбекистонда аҳолини

Қачонки, Оллоҳнинг пайғамбари Иброҳим алайҳиссалом оловда ёқмоқчи бўлишганда чумолилардан бири оғзида сув ташиб, оловни ўчирмоқчи бўлди. Шунда бошқа ҳайвонлар таажжуб билан: «Сен шу сувнинг билан оловни ўчираман деб ўйлаясанми?» -деишди. Чумоли: «Йўқ, мен умид қилмайман, уни ўчиришни. Фақат Оллоҳ мендан: «Менинг пай-

ИБРАТ МАНЗИЛАРИ

ғамбаримни ёқшиганида сен нима қилдинг?!» -деб сўраганда ўзимни оқлашнинг учун жавоб бўлади, деди чумоли. ИЙМОН САРИ Оллоҳ таоланинг 99 та гўзал исмлари бор. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг 3 ўғли ва 4 қизлари бўлган. Расулуллоҳ (с.а.в.) 63 ёшда дунёдан ўтганлар. Ҳазрати Билол (р.а.) Исломда биринчи Муаззин бўлган. Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг 124.000 нафар пайғамбар юборган. Расулуллоҳнинг оналари Алак сурацидан «Икром» ояти нозил бўлган. Оллоҳ таоло ер юзига 124.000 нафар пайғамбар юборган. Расулуллоҳнинг оналари Куршон китоби 23 йилда нозил бўлган. Муҳаммад (с.а.в.)нинг ўғиллари балоғат ёшига етгунча Расулуллоҳ (с.а.в.) 1 маро-

таба ҳаж ва 4 маротаба Умра сафарларини амалга оширган. Пайғамбаримиз саллоллоху алайҳи вассалламга Мадинада 28 та сура нозил бўлган. Ҳазрати Умар (р.а.) 63 ёшда вафот этганлар. Расулуллоҳнинг икки куракларининг ўртасида Нубувват муҳри бўлган. Амакилари Ҳазрати Ҳамзани «Оллоҳнинг Шери» деб ата-

рўйхатга олиш тўғрисида қонун қабул қилинмагани учун, Муҳтарам Президентимизнинг 2019 йил 5 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида қўриққоннинг тасдиқлаш тўғрисидаги» Фармонида алоҳида банд сифатида Ўзбекистон Республикаси-



АҲОЛИ РҲАТГА ОЛИНАДИ

нинг “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифасида иштирок этган. Бу фармонга асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тейёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 710-сонли қарори имзоланди. Мазкур қарорга асосан аҳолини рўйхатга олиш

ишлари 2023 йилда амалга оширилади. Аҳолини рўйхатга олиш -бу мамлакат аҳолисининг муайян вақтдаги “фотосура”ни олиш ишончини берувчи умумдавлат миқёсидаги кенг қўламли тадбир бўлиб, аҳоли тўғрисидаги ишончли ахборот манбаи ҳисобланади. Фахриддин ХОДЖАЕВ, Бандихон туман статистика бўлими бошлиги

БИЛАСИЗМИ?

Вилоят Статистика бошқармаси 2021-йилнинг 1-апрель ҳолатига кўра вилоятнинг демографик кўрсаткичларини эълон қилди. Унга кўра: **Жами аҳоли- 2 692 992 нафар; **Аёллар- 1 331 937 нафар; **Эркаклар- 1 361 055 нафар; **Шаҳар жойларда яшовчилар- 975 632 нафар; **Қишлоқ жойларда яшовчилар- 1 717 360 нафар; **Туғилиш- 16 843 нафар; **Улимлар- 2 807 нафар; **Кўчиб келган- 4 192 нафар; **Кўчиб кетган- 6 036 нафар; **Тузилган никоҳлар- 4 893 нафар; **Никоҳдан ажримлар сони- 583 нафар.

ТАКСИЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

(Энди уларга лицензия шарт эмас) 2022 йил 31 декабрда мундтақ эксперимент тариқасида якка тартибдаги тадбиркорларга 4 та уриндикли энгил авто-транспортда йўловчи ташити фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқи берилмоқда. Бу борада Президент қарори қабул қилинди. Якка тартибдаги тадбиркорларга такси фаолияти билан шугулланиш учун бошланғич тўлов 5 баробарга камайтирилиб 690 миңг сўмни, ойлик тўлов 1,5 баробарга камайиб 425 миңг сўмни ташкил қилади. 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб якка тартибдаги тадбиркор сифатида такси фаолияти билан шугулланиш фақатгина мижозларни излаш бўйича интерактив хизмат кўрсатувчи компаниялар (агрегаторлар) хизмати орқали амалга оширилади. Бандихон Қишлоқ хўжалиги коллежини 2014 йилда тамомланган фуқаро Абдурахимов Ҳасан Абдурашидовичга тегишли ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқолганини маълум қиламиз. Бандихон тумани, “Бахористон” маҳалласида яшовчи, фуқаро Шералиев Жамолиддин Мухторалиевичга тегишли ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқолганини маълум қиламиз.

АЖДОДЛАР ХОТИРАСИ МУҚАДДАС



Пайгамбаримиз солаллоху алайҳи васаллам ҳадиси шарифларида: "Бу дунёдан ўтган биродаларнингизнинг яхши сифатларини эсланглар, уларнинг ёмон сифатларини эслашдан сақланглар", -деб марҳамат қилганлар.

Шундай экан, ўтган аждодларимизни ҳамшира хотира, бизларга қолдириб кетган бой маънавий-маърифий меросларини ўрганиб, ҳаётимизга изчил татбиқ этишиб боришимиз керак.

Халқимизга хос бўлган меҳр-оқибат, мурувват ва кадр-қиммат барча байрамларимиз сингари "Хотира ва қадрлаш куни" мисолида ҳам ёрқин намойён бўлади.

Албатта биз буни бир кунлик байрамга боғлаб қолмаслик, балки уларнинг ватан, миллат, дин йўлида қилган жон фидоликларини доимо қалбимизда сақламоғимиз керак. Аждодларимиз хотираси қанчалик муҳим бўлса, кексаларни ёшларга етган улугларимизнинг қадрига етиш, ҳурматини жойига қўйиш шунчалик муҳим. Кексаларни ардоқлаш, кўмакка муҳтожларнинг ҳурматини жойига қўйиш қон-қонимизга сингиб кетган фазилат ва

Халқимиз Иккинчи жаҳон урушида қатнашган, ўша аёвсиз жангу-жадалда қаҳрамонларча ҳалок бўлганлар хотирасини асло унутмайди.

9-май -бу кун қарийиб бутун дунё давлатлари тарихида катта из қолдирган. Инсон хотира билан тирик, қадр билан улуг. Ўтганларни, уларнинг хайрли ишларини, жасоратини ёдга олмақ, эъзозламоқ халқимизга хос эзгу фазилатлардандир.

Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ақлдор шайхонларимиз хотирасини ёд этиш,

оловли жанглардан омон қайтган боболаримизга, оғир кунларни сабр-бардош билан енган, машаққатли дақиқаларда ҳам ўзлигини йўқотмаган, имони бутун юртдошларимизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш том маънода миллий қадриятга айланган.

Айниқса, шундай хайр савоҳат ойи моҳи Рамазон кунларида уруш майдонидан омон қайтган боболаримиз ва бошқа нуруний отахон ва момоларимизни йўқлаб, ҳолидан хабар олиш айни муддао бўлади.

ПЕНСИЯЛАРНИ ТАЙИНЛАШ МУДДАТЛАРИ

Ёшга доир пенсия агар пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлган кундан бошлаб олтиш кун ичида уни сўраб мурожаат этилган бўлса, пенсия ёшига тўлган кундан эътиборан тайинланади ва ушбу пенсия умрбод тайинланади.

Ногиронлик пенсияси эса агар ногиронлик белгиланган кундан бошлаб олтиш кун ичида пенсия сўраб мурожаат этилган бўлса, ТМЭК ногиронликни белгиланган кундан эътиборан тайинланади. Ушбу пенсия бутун ногиронлик даври учун тайинланади. 60 ёшдан ошган эркак ва 55 ёшдан ошган аёл ногиронларга ногиронлик пенсияси умрбод тайинланади. Ана шу ногиронларни қайта тиббий қўриқдан ўтказиш фақат уларнинг ариза-сизига биноан амалга оширилади.

Шунингдек, боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олиш ҳуқуқи пайдо бўлган кундан бошлаб, лекин пенсия тайинланиши учун мурожаат этишдан олдинги 6 ойдан ошмаган

муддатдан эътиборан тайинланади. Пенсияга доир қонуннинг 19-моддасига мувофиқ марҳумнинг оила аъзоси меҳнатга қобилиятсиз, деб ҳисобланган бутун давр учун, оиланинг эркакларга 60 ёшда, аёллар эса 55 ёшга тўлганда умрбод тайинланади.

Бир пенсиядан бошқасига ўтказиш пенсионер тегишли ариза ва барча зарур ҳужжатлар билан мурожаат этган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан эътиборан амалга оширилади. Иш стажини тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсиялар мавжуд стажга мутаносиб миқдорда тайинланади.

Иш стажини тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсиялар:

- ёшга доир пенсиялар учун -ёшга доир энг кам пенсиянинг 50 фоизидан;
- 1 гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсиялари учун -ёшга доир энг кам пенсиянинг 100 фоизидан;
- II гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсиялари учун -

ёшга доир энг кам пенсиянинг 75 фоизидан;

-оиланинг меҳнатга лаёқатсиз ҳар бир аъзосига боқувчисини йўқотганлик пенсияси учун -ёшга доир энг кам пенсиянинг 50 фоизидан;

-ҳам отаси, ҳам онасидан жудо бўлган (чин этим) ҳар бир болага боқувчисини йўқотганлик пенсияси учун -ёшга доир энг кам пенсиянинг 100 фоизидан кам бўлмаслиги лозим.

Тўлиқ бўлмаган иш стажини ҳолатида пенсия куйидаги тарзда мавжуд стажга мутаносиб равишда ҳисоблаб чиқилади. Дастлаб тегишли тўлиқ пенсия аниқланади. Ушбу пенсия талаб этиладиган иш стажини меҳнат қилинган ойлари сонига бўлинади. Олинган пул миқдори амалдаги иш стажини ойлари сонига кўпайтирилади.

А.ТОШҚУЛОВ,
Бандихон туман бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бўлими пенсия ва нафақаларни тайинлаш гуруҳи бош инспектори



қолганди. Меваларнинг анчагини тўқилиб ҳам кетган эди. Йигит ҳар кун пастгина панжарадан олиб, шу олмалардан беш-олитасини келин-чакка олиб борарди. Бир кун эрталаб ўртоғи ҳам у билан бирга югуришга келди. Олма-ли ховли олдида келди, қувё-бола одатига кўра, сакраб панжарадан ўтиб, 5-6 та олмани

ҳосилини кўтаролмай, эгилиб ётибди, остига тушганлари эса шундоқ чириб кетади, олаверинглар, қанча керак бўлса, -деди.

-Йўқ, отахон, мусулмончиликда бировнинг молини сўрамай олиш мумкин эмас. Айниқса, ҳомиладор аёлга фақат ҳалол ризқ бериш керак. Акс ҳолда, у туғадиган бола яхши

АЧЧИҚ ОЛМА

Бу воқеа мустабид тузум пайтлари бўлиб ўтган эди. Ўтган асрнинг 80-йиллари ҳали талабалик пайтимизда бир ўртоғимиз университетнинг охириг босқичида уйланди. Ёш келин-қувёлар Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги ишчилар ётоқхонасида яшарди. Келин оғирроқ бўлиб, ҳали пишмаган ўта нордон олмага бошқоронги эди. Йигит ҳар кун эрталаб бадантарбия учун югуриб "Спутник" даҳасидаги кўлгача борар, у ерда бироз чўмилиб яна ётоқхонага қайтарди. Йўл четигада бир хил русумда қурилган ҳовлиларнинг кўча томонига турли мевали дарахтлар экилган эди. Ҳовлиларнинг бирида ёш келинчақ бошқоронги бўлган аччиқ олма шохлари мевасини кўтаролмай, ергача эгилиб

ердан териб олди-да, ортага қараб югурди. Буни кўрган ўртоғи уни тўхтатиб, аёлга ҳомиладорлик пайтида ўғирланган насиба бериш нотўғрилигини, ҳаром ризқ билан унган бола ёмон фарзанд бўлишини айтди.

Қувёбола не киларини билмай қолди. Олмани ташлаб юборай деса, хотини шу олмаларни кутиб ўтирибди, олай деса, ўртоғи ҳақ гапни айтиб турибди. Алқисса, икки ўрток келишиб, ҳовли эгасини чақириб, руҳсат сўрашга қарор қилишди.

Икки спортчи йигитнинг олдига рус миллатига мансуб кекса киши чикди. Йигитлар муддаоларини айтишди. Шунда қария:

-Нимасини сўрайсизлар шу олмаларнинг, шундоқ ҳам

инсон бўлмайди. Ота-боболаримиз бу қоидага ҳеч қачон хилоф иш қилишмаган.

-Э, яшавор мусулмон йигит! Динингиз ҳалолликка шунчалик эътиборли бўлса, демак, у жуда муқаммал ва тўғри дин экан. Мен сизларнинг тўғриликларингизга тан бербдим. Ана шу бола туғилгунча боғимдаги ҳамма олмаларни-шомидегисини ҳам, ердэгисини ҳам сизларга совға қилдим. Ош бўлсин, ҳаммасини хоҳлаган пайтда териб олаверинглар.

Энди ҳар кун қувёбола бир челақ-ярим челақ аччиқ олма териб уйига олиб борарди. Хотинига энди тежаб ўтирмай, хоҳлаганича еяверишини айтган эди. Бунинг сабабини хотини сўраганда, у қулиб:

-Бир рус ота топиб олдим, у менга боғидаги ҳамма олмаларини совға қилди. Олмалар ўшанинг боғидан, -деди ҳазиллашиб қўярди.

Олтинни қаерга ташласанг ҳам, у зангламайди. Мис эса тезда занглаб, "мис" чикиб қолади. Исломи дини таққирланиб, қадриятларимиз топталган ўша пайтларда ҳам имонли, ор-номусли йигитлар кўп бўлган. Улар оиласига ҳаром ризқ олиб келишни ўзларига эл кўришмаган. Ҳозирги дорулломи кунларда эса бу масалада янада муқаммал ва мустаҳкам бўлишимиз талаб этилади.

Мухсин «ХИДОЯТ» журналидан



fuqarolar yig'inida bo'ldilar.

U yerda mahalla nuroniyolari bilan davra suhbatii uyushtildi. Zero «Qaris bor uyning paris bor» deyishadi dono xalqimiz. Darhaqiqat, keksalarni uyimizning ko'rki, qalbimizni munavvar qilguvchi chiroq. Beminnat duogo'yimiz, pand nasihatlar bilan umrimizni yoritguvchi quyosh, tajribayu maslahatlar bilan yoshlarimizga go'ri yo' ko'rsatuvchi yo'lchi yulduzdur.

Suhbat chog'ida, mahallardagi mavjud muammolar, ularning yoshlarimiz hayotiga

"Har bir Nuroniy - besh nafar yoshga murabbiy"

O'zbekiston Prezidenti raisligida 19-yanvar kuni ma'naviy-ma'rifiy ishlar tizimini tubdan takomillashtirishga bag'ishlangan videoselektor yig'ilishida "Har bir Nuroniy besh nafar yoshga murabbiy" tamoyili yozilgan qilib belgilab berilgan edi. Shu munosabat Respublika Ma'naviyat va

ma'rifat markazi rahbarining birinchi o'rinbosari, ishchi guruhi rahbari Muhammadjon Quronov, ishchi guruhi a'zolari, Respublika Ma'naviyat va ma'rifat markazi viloyat bo'limi rahbari N.Rahmatullayeva hamda tuman mutasaddi tashkilotlar rahbarlari birgalikda Muzrabot tumani, «Yurtim jamoli» mahalla

ta'siri, yoshlar, asosan uyushmagan yoshlarning bo'sh vaqtlarini mazmunli o'tkazishning samarali yo'llari xususida fikr almashildi.

«Yurtim jamoli» mahalla fuqarolar yig'ini joylashgan bino qayta rekonstruksiya qilingan bo'lib, u yerda tikuvchilik sexi, hamshiralik xizmat ko'rsatish

xonalar tashkil etilgan bo'lib, zamonaviy mebellar, kompyuter jamlanmalari bilan jihozlangan ushbu maishiy xizmat xonalarini faoliyati bilan ham tanishib o'tildi.

Bundan tashqari, mahalla aholisining ilm-ma'rifat bulog'iga aylangan «Kitoblar olami» do'konining ish faoliyati bilan ham yaqindan tanishildi.

Oybek ESHPULATOV
O'zbekiston yoshlar ishlari Agentligi tuman bo'limi rahbari

ЯХШИЛАР СУХБАТИ –ДИЛЛАРГА РОҲАТ



Албатта, маҳалланинг тинч-осойишталиги, ақиллиги ва ободлиги айнан нурунийларимиз панду насихатларидан яралади. Шу боис ҳам ёши улугларимиз ҳамшира давраларимиз тўрида.

Эл орасида фидойилиги ва изланувчанлиги билан эъзоз ва эҳтиром қозонган, айни пайтда муборак 91 ёшни қаршилаган мақолами қаҳрамони Аллаберди Жумаевнинг ибратли ҳаёт йўли ҳам барчамизга табиявий жиҳатлари билан намуна бўлади. Тиббиёт, қишлоқ хўжалиги, таълим соҳаларда фаолият юритиб келаятган, оталари панду насихатларидан камол топган фарзандлари Дилором, Муҳаммади, Эркин, Тўлқин, Гулбаҳор, Дилшода, Шухратлар ҳам касбга фидойилликни, халқпарварлик ва оилапарварликни энг олийжаноб фазилат деб билишади.

Ҳали ҳам маҳалла маслаҳат-

чиси Аллаберди Жумаевнинг ғайрат ва шижоати, тинмай изланишида экани ҳар биримиз учун том маънода ибрат олса арзигуликдир. Отахон 1931-йил Бойсун туманининг тоғли Кофрун қишлоғида таваллуд топган. Болалиги Кофрун қишлоғида кечган мақолами қаҳрамони илк сабоқни шу қишлоқдаги Ушинский номили ўрта мактабда олган. 6-7-синфларда таҳсил олиб юрган кезлари Кофрундаги «Файрат» колхозни бригадасида таълимчи бўлиб ишлаган. Кейинчалик шу тумандаги мактаб интернатда ўқини давом эттиради. Мактабни аъло баҳоларга тамомлагач, 1957-йилда Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг агрономия факультетини битириб, Узун тумани қишлоқ хўжалиги инспекцияси бошлиги вазифасида фаолият бошлайди. Сўнгра «Янги рўзгор» колхозини бош агрономи вазифасида ишлаб, турли соҳаларда оқсаб келаятган колхоз фаолиятини яхшилаш учун бор куч ғайратини сарфлайди.

Ўз касбининг фадойииси бўлган шижоатли ва ташаббускор ходимнинг самарали меҳнатлари эътиборга тушиб Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари вилоят Кенгаши депутат бўлади. Ташаббускорлиги туфайли «Қизил байроқ» орденига сазовор бўлган қишлоқ хўжалиги ходими Узун туманидаги фаолият давомида 4-сонли мактаб, колхоз клуби, ҳаммом,

маданият саройи, ташкилот идоралари ҳамда Павлик Марозов номили пионерлар лагерининг қурилишига бош-қош бўлади.

Мамлакатимизда чўлларни ўзлаштириш ишлари бошлангач, деҳқончилик сир-асрорларини пухта ўзлаштирган қишлоқ хўжалиги ходими Музработ туманидаги Абдулла Набиев номили хўжаликка раҳбарлик қилади. Ун етти йилга яқин ушбу хўжаликни бошқарган Аллаберди Жумаев 1963 йилда вилоят мева-сабзавот бирлашмаси бошлиғи лавозимида ҳам катта мувофақият қозониб, вилоятнинг энг тажрибали директорини деб тан олинган. У киши Абдулла Набиев хўжалигига раҳбарлиги давомида вилоятда 80 минг тонна узум ишлаб чиқарилади. Узок йиллар давомида чўлни ўзлаштиришга, қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олишга эришган фидойи раҳбарга давлатимиз томонидан ишонч билдирилиб, Ойбек колхозига директор этиб юборилади. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати олиб борган самарали ишлари учун «Республикада хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими» унвонига сазовор бўлади.

Уша йилларда Ойбек колхозига пахта терувчи машиналарнинг камлиги пахта режасининг бажарилишга салбий таъсир кўрсатарди. Тадбирли раҳбар қўшни Бойсун туманидан пахта териш маши-

наларини шартномага асосан олиб келади. Натижда пахта ҳосилининг дастлаб 60-70 фоизини, кейинчалик эса 80-90 фоизини пахта териш машиналарида теришга сазовор бўлди.

Хайр-эҳсон ишлари билан одамлар қалбидан чуқур жой олган отахон Бандихон туманидаги маданият саройи ва унинг қошидаги меҳмонхонага шу билан бир қаторда 1-сонли мактаб, болалар спорт мажмуаси, икки қаватли идора қурилишига тамал тошини қўйган. 14-15 йил давомида Ойбек колхозининг Бандихон туманига айланганида ҳам ўз хиссасини қўшган Аллаберди Жумаев нафақага чиққач, туман «Нуруний» жамғармаси раийсини сифатида фаолият юритади. Меҳнатда чиниққан қаҳрамонимиз 91 ёшга кирганларига қарамай, ҳозиргача томорқасида барпо этган иссиқхонада лимонни парваришлаш, турли сабзавотларни экиш жони-дили.

-Сидқидилдан ҳалол меҳнат қилсанг, касбга, оилага, теварақ атрофдагиларга муҳаббат кўрсатсанг, муҳаббат, эъзоз кўрасан, -дейди отахон.

Келинлари ва сеvimли набиралари даврасини қизитиб ўтирадиган Аллаберди Жумаевнинг хонадонидан биз ҳам ўзимизни энгил ҳис этиб чиқдик. Донишмандлар айтиганларидек «яхшилар суҳбати дилга роҳат» эканлигига амин эдик.

Махмуд АЛИ

САВОБЛАР ОЙИ

Қоронғу туннинг, юлдузи нури, Саҳарлик дастурхонда таомлар турли. Рўза савоблари доимо сирли, Сабрла кутилган неъматини тотли.

Огоҳ бўлинг, ёмонлик қилмангиз асло, Аллоҳ гувоҳдир, билингиз танҳо. Сизни сабрингизга берилар баҳо, Рўза-чи саломатликка бўлади даво.

Ўзингизни тийинг ёмон иллатдан, Кўнгилни покланг-савоб, ибратдан. Фарзни адо этинг, беш вақт намоздан, Ризқлангнинг доимо ҳалол меҳнатдан.

Тийилгинг ичкилик, нафс очлиқдан, Шукурлар келтиринг, бугун борлиқдан. Рўза-рамазонга етказган кундан, Инсонлар гафлатда қолманг бугундан.

Саховат қилинг, доим ночор инсонга, Улашинг, есангиз бир бурда нонни. Кўп кийманг, бойлик тўплаганг асло, Рихолдинг сиз учун Оллоҳдир танҳо.

Мафтуна АРОМИДДИНОВА

"КАТЮША" НИ КУЙЛАГАН ҚИЗЛАР

(Жангчиларнинг бир умрлик ҳамроҳига айланиб қолган машҳур қўшин муаллифи М.Исаковский ҳамда Иккинчи жаҳон уруши ғалабасининг 76 йиллигига)

«Олма, ноклар гуллади чаман», Ёдга тушар қуралдай кўзлар. Қайлардасиз, излайман ҳамон, «Катюша»ни куйлаган қизлар.

Юракларга чўғлар ташлаган, Қайда қолди ишвали кўзлар. Жасоратга дилни бошлаган, «Катюша»ни куйлаган қизлар.

Ишонч ортар эди дилларда, Ватан меҳрин тўлдирган кўзлар. Ҳамроҳ бўлди фронт йўлларда, «Катюша»ни куйлаган қизлар.

Дахшат солдик ёвга беомон, Уруш битди, жангоҳли кезлар. Юракларга беролди дармон, «Катюша»ни куйлаган қизлар.

Қай турбатда ётар жисмингиз, Мангу уммас хотирот - излар. Унутмади Ватан исмингиз, «Катюша»ни куйлаган қизлар.

«Тирик қолиш насибада бор», Дейимиз айтиб шукрона сўзлар. Дилдан ўчмас ўшал интизор, «Катюша»ни куйлаган қизлар.

Жасоратнинг мангу қўшиғи, Асло ўчмас ўтсада йиллар. Эслашларлар ҳали кўп бизни, «Катюша»ни куйлаган қизлар.

76 йил ўтмиш... етолдик, Бу кунларни кўролдик бизлар. Қалабани юртга келтирдик, «Катюша»ни куйлаган қизлар.

Хурсандулло ТАҢГИРОВ,
6-сонли мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, шoir, публицист.

"ЯНГИ БАНДИХОН" ГАЗЕТАСИ
МУАССИС:
Халқ депутатлари Бандихон туман Кенгаши ва туман ҳокимлиги

Бош муҳаррир
РАЖАБОВ Алиёр МАХМУДОВИЧ

«Янги Бандихон» газетаси
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармасининг 2020 йил 25 мартдаги 11-076-сонли рақами билан рўйхатга олинган

«Янги Бандихон» газетаси
ҳажми А-2 бичимда, 2 босма табоқ.
«Янги Бандихон» газетаси «Денов босмахонаси» МЧЖда chop этилди.
Манзил: Денов шаҳри Ш.Рашидов кўчаси, № 247 уй

Тахририят газетаси компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи—
Шерали АЛИЁРОВ

Манзилимиз:
Бандихон тумани, «Бектепа» маҳалласи.
Тел: 90-521-02-27

1000 нусхада босилди.
Буюртма

Тахририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариқмайди. Муаллиф фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқлиниши мумкин